

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР  
МАРКАЗИГА ТАЪТИЛЛАР  
ДАВРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ  
ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024**

**Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътилар даврида ўқувчиларни қабул қилиш бўйича услубий қўлланма.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 15 б.

Мазкур услубий қўлланма умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни ҳар томонлама ривожлантиришга, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланиши даражасини янада юксалтиришга йўналтирилган тамойилни амалга ошириш бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма Республика ўқувчи-ёшлар марказида таътилар даврида болалар соғломлаштириш оромгоҳи сифатида фаолиятини кўрсатишни таъминлаш, умумтаълим мактаблари ўқувчилари қабул қилиниши ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

**Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

© «Адолат» миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази, 2024 йил

# МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Республика ёшлар маркази тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Республика ўқувчи-ёшлар маркази ҳақида.....	6
Марказга ўқувчиларни танлаб олиш комиссиялари фаолиятини ташкил этиш.....	10
Ўқувчиларнинг Марказга келиш ва кетишларини ташкил қилиш.....	14

## КИРИШ

Айни даврда Ўзбекистон мактабгача ва мактаб таълим соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшиланяпти, илмий ишланмаларни молиялаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, уларга ватанпарварлик туйғуларини ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида кенг қамровли ислохатлар ташкил этилмоқда.

Мазкур қўлланма Республика ўқувчи-ёшлар марказларида таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш ва марказда ўқишни амалга ошириш бўйича асосий тушунчаларни, ҳуқуқий асосларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётни йўлга қўйишга қаратилган. Унда ушбу марказларда бошлаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган босқичлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномаларнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда молиялаштириш манбалари каби масалалар қамраб олинади.

Ўқувчи-ёшлар марказлари орқали таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш бундан ташқари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун келажак касбларига йўналтирувчи тўғараклар фаолиятини ҳамда мустақил ташаббус ва шахсий ғояларини илгари суриш, ҳаётий позицияга эга бўлишини таъминлашга йўналтирилган маҳорат дарсларини ҳамда маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.

Қўлланма Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари ва мутахассислари учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

# РЕСПУБЛИКА ЁШЛАР МАРКАЗИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



Ўзбекистон Республикасининг “Таълим  
тўғрисида”ги қонуни



Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача ва  
мактаб таълим вазирлиги, Ўзбекистон  
Республикаси Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси  
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги  
ҳузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар  
марказига таътиллар даврида ўқувчиларни  
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида” қарори



Ўзбекистон Республикаси  
“Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги  
ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар  
фаолиятини самарали ташкил этиш чора-  
тадбирлари тўғрисида”ги  
Президентининг Фармони



# РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР МАРКАЗИ ҲАҚИДА

## Таълим тизими асослари ҳозирги кунда

Бугун замонавий ҳаётни илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиш қийин. Ҳозир қай бир соҳани олманг, унинг ривожини учун энг аввало, **таълим тизими ривожланган бўлиши керак**. Зеро, инсон капиталига, унинг иқтидорига эътибор қаратмай туриб, натижага эришиб бўлмайди.



Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда **замонавий билим ва касб-ҳунарларни** эгаллаши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди.



Ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида ўтган қисқа даврда мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими катта ўзгаришларга юз тутди. Айниқса, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” деган шиор асосида мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланди.



Зотан, ўқувчилар мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, **юқори технологияларга асосланган иқтисодий тармоқлари** шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони бўлади.



Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги **Ўзбекистон Республикаси ўқувчи-ёшлар маркази ташкил этилди**.



## **Марказга қабул қилинадиган ўқувчилар тақсимоти:**

Марказ таътиллار даврида болалар соғломлаштириш **оромгоҳи сифатида фаолият кўрсатади.**

Марказга таътиллار даврида республика умумтаълим мактаблари ўқувчилари, жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар **қабул қилинади.**

Марказга кузги, қишки, баҳорги таътиллار даврида ва ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсумида **яхши натижаларга эришган 270 нафардан ўқувчи қабул қилинади.**

Марказга кузги, қишки, баҳорги таътиллар даврида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги умумтаълим мактабларининг **7 — 9-синф ўқувчилари қабул қилинади.** Бунда ҳар бир вилоят бўйича 7, 8 ва 9-синфларнинг ҳар биридан 30 нафардан ўқувчи танлаб олинади.

Марказга ёзги таътил даврининг **ҳар бир қабул мавсумида** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 7-8-синф ўқувчилари қабул қилинади. Бунда ҳар бир қабул мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича уларнинг ҳар биридан 7-синфлардан 9 нафар, 8-синфлардан 10 нафардан, Республика бўйсунушидаги умумтаълим муассасалари 7-8-синфларининг ҳар биридан 2 нафардан ўқувчи танлаб олинади.

Кузги, қишки ва баҳорги таътиллер даврида Марказга қабул қилинган ўқувчилар ёзги таътил даврида Марказга қабул қилинмайди. Ёзги таътил даврининг бир қабул мавсумида дам олган ўқувчилар **ёзги таътил даврининг** кейинги мавсумларига такроран қабул қилинмайди.

Кузги, қишки, баҳорги таътиллер даврида ҳамда ёзги таътилнинг ҳар бир қабул мавсумида ўқувчиларнинг Марказда бўлиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланади. Бунда ўқувчиларнинг **Марказда бўлиш муддатлари** ёзги таътилнинг ҳар бир қабул мавсумида 10 кундан, кузги, қишки ва баҳорги таътиллер даврида 7 кундан кам бўлмаслиги лозим.



**Марказга ўқувчиларни танлаб олиш мезонлари:**

Ўқувчилар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

**фан олимпиадалари** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларининг 1 — 5-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларида **чет тили, информатика ва бошқа фанларни** «аъло» баҳоларга ўзлаштираётган ўқувчилар;

**“Умид ниҳоллари”, “Қувноқ стартлар”, “Алпомиш” ва “Барчиной”** спорт мусобақаларининг умумтаълим мактаблари, туман (шаҳар) босқичлари 1 — 3-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларининг **“Энг фаол ўқувчи”** номинацияси  
ғолиблари;

**“Конституция — эркинлигимиз кафолати”** республика  
танловининг туман (шаҳар) босқичи 1 — 3-ўрин совриндорлари;

**“Фаол китобхон ўқувчи”** танловининг республика босқичи 1, 2,  
3-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларининг **иқтидорли ва ижодкор** (шеър  
ёзадиган, расм чизадиган ва ҳ.к.) ўқувчилари;

Мактабгача ва мактаб таълими органлари ва **“Баркамол авлод”**  
болалар мактаблари томонидан ташкил этиладиган турли тадбирлар  
ғолиблари ва фаол иштирокчилари;

**муסיқа ва санъат** соҳаси бўйича халқаро ва республика  
танловлари ғолиблари;

умумтаълим мактаблари **“Ёшлар иттифоқи”** ёшлар ижтимоий  
ҳаракати бошланғич ташкилотининг фаол аъзолари.

*Мазкур келтирилган мезонлардан **камида биттасига мос келган ўқувчи Марказга қабул қилиш учун танлаб олинади.** Ўқувчилар сони белгиланган ўринлар сонидан кўп бўлганда нисбатан кўпроқ мезонларга мувофиқ келадиган ўқувчилар танлаб олинади.*

# МАРКАЗГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Марказга ўқувчиларни қабул қилиш учун танлаб олиш мақсадида ҳар бир умумтаълим мактаби, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълим вазирлигида

**Марказга ўқувчиларни танлаб олиш комиссиялари ташкил этилади.**



Умумтаълим мактабининг **Марказга ўқувчиларни танлаб олиш комиссияси умумтаълим мактаби директорининг буйруғи** билан қуйидаги таркибда тузилади:

директорнинг  
маънавий-  
маърифий ишлар


директорнинг ўқув  
ишлари бўйича  
ўринбосари;

Директор

Ёшлар иттифоқининг  
умумтаълим  
мактабидаги  
бошланғич ташкилоти

1 нафар тажрибали  
ўқитувчи

**Марказга ўқувчиларни танлаб олиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси, Мактабгача ва мактаб таълим бўлими мудирининг буйруғи билан қуйидаги таркибда тузилади**



Марказга ўқувчиларни қабул қилиш учун танлаб олиш бўйича республика комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирининг буйруғи билан **7 кишидан** иборат таркибда тузилади.

➤ Умумтаълим мактаби комиссияси томонидан танлаб олинган ўқувчилар учун қуйидаги **ҳужжатлар** расмийлаштирилади:

✔ яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган ўқувчининг ижтимоий ҳолати тўғрисида **маълумотнома**;

✔ ўқувчи мазкур юқорида кўрсатилган мезонларга мос келиши ҳақида тегишли ҳужжатлар нусхалари илова қилинган умумтаълим мактаби томонидан берилган тавсифнома;

✔ ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилик хати.



*Умумтаълим мактаби комиссияси томонидан танлаб олинган ўқувчиларнинг ҳужжатлари ва умумтаълим мактаби комиссиясининг тегишли қарори **кузги таътил даври** учун 5 октябргача, **қишки таътил даври** учун 2 декабргача, **баҳорги таътил даври** учун 15 февралгача, **ёзги таътил даврининг** ҳар бир қабул мавсуми учун 10 апрелгача туман (шаҳар) комиссиясига тақдим этилади.*



Республика бўйсунисидаги умумтаълим муассасаларида ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун танлаб олинган ўқувчиларнинг ҳужжатлари ва умумтаълим мактаби комиссиясининг тегишли қарори 21 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этилади.



**Туман (шаҳар) комиссияси** томонидан кузги, қишки, баҳорги таътиллار даври учун **7 — 9-синфларнинг ҳар биридан 5 нафардан**, ёзги таътил даврining ҳар бир қабул мавсуми учун **7-8-синфларнинг ҳар биридан 2 нафардан ўқувчилар** танлаб олинади



**Ҳудудий комиссия** томонидан кузги, қишки, баҳорги таътиллар даври учун **7 — 9-синфларнинг ҳар биридан 40 нафардан**, ёзги таътил даврining ҳар бир қабул мавсуми учун **7-синфлардан 12 нафар, 8-синфлардан 13 нафар** ўқувчилар танлаб олинади



Республика комиссияси томонидан кузги, қишки, баҳорги таътиллар даври учун **7 — 9-синфларнинг ҳар биридан 90 нафардан**, ёзги таътил даврining ҳар бир қабул мавсуми учун **7-синфлардан 128 нафар, 8-синфлардан 142 нафар** ўқувчилар танлаб олинади



Республика комиссиясининг қарори **уч кун** ичида Марказга ва ҳудудий комиссияларга юборилади.

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАРКАЗГА КЕЛИШ ВА КЕТИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг Марказга келиш ва кетишларини ташкил қилиш учун тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоят Мактабгача ва мактаб таълим бошқармаси бошлиғи ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълим бош бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан **2 нафардан масъул ходимлар (кузатувчилар) тайинланади.**



Республика бўйсунishiдаги умумтаълим муассасаларидан танлаб олинган ўқувчиларнинг **Марказга келишлари ва кетишларини ташкил қилиш масъул ходимлари (кузатувчилари) зиммасига юклатилади.**

Масъул ходимлар (кузатувчилар) :

- *олий педагогик маълумотга*
- *бирламчи шошилинч ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлган*
- *юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни зудлик билан ҳал қила оладиган* ходимлар орасидан танлаб олинади.

Масъул ходимлар (кузатувчилар) ўқувчиларни Марказга қуйидаги **ҳужжатлар билан бирга олиб бориши лозим:**

- тегишли ҳудуддан Марказга қабул қилинадиган **ўқувчилар рўйхати;**
- ҳар бир ўқувчи учун соғломлаштириш оромгоҳига кетаётган **ўқувчининг тиббий маълумотномаси** (079/х шакл).

Ўқувчиларни Марказга қабул қилиб олиш ва уларни кузатишни ташкил қилиш учун қуйидаги таркибда Марказнинг **қабул ва кузатув комиссияси тузилади:**

- ✓ марказ директори,
- ✓ директор ўринбосари,
- ✓ тиббиёт ходими ва
- ✓ 2 нафар педагог ходимлар

Марказга қабул қилиш вақтида ҳар бир ўқувчи тиббий текширувдан ўтказилиб, ҳар бир ўқувчи учун **боланинг тиббий картаси (026/х шакл) очилади ва мавсум давомида юритилади.**

Марказдан кетаётган ўқувчиларга Марказда **яшаган даврида уларга кўрсатилган тиббий хизматлар** тўғрисида маълумотнома берилади.

Марказга ўқувчиларни танлаб олиш **комиссиялари** ўқувчиларнинг белгиланган тартибда танлаб олиниши ҳамда зарур **ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши** учун **жавобгардир.**